

## Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 19 987 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-июнь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 53,9 фоизи (2016 йил январь-июнь ойларида 52,6 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 1 215,6 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 80,1 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 963,9 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркорлар ва 251,7 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2 118,5 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 45,7 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан 112,7 фоизни ташкил қилди;

- 2 825,5 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулоти ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) бўлиб, ўсиш суръати 107,7 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 97,5 фоизи) ташкил қилди.

- 784,2 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 58,3 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан 128,2 фоизга ўсди;

- 1 037,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 92,8 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 114,4 фоизга ўсди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 6,4 фоизга ошиб (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 82,9 фоизи)ни ташкил этди, йўловчи айланмасининг эса 5,6 фоизга ошиб (умумий йўловчи айланмасининг 88,0 фоизи)ни ташкил этган;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 83,1 фоизи ёки 3 661,6 млрд. сўмини (ўсиш 113,0 фоиз) ташкил этди;

- 113,6 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 44,0 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 115,8 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 37,3 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2017 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши кўйидагича ифодаланади:

	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2 825,5	71,6
Саноат	2 118,5	50,1
Қурилиш	1 037,5	36,9
Чакана савдо	1 651,8	45,1
Юк ташиш, млн.тн.	36,6	46,2
Йўловчи ташиш, млн.киши	335,4	88,2

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

